

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 14 февраль, № 30 (8373) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий соҳаларга масъул раҳбарларни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ихчам ва самарали бошқарув тизимига ўтилмоқда. Биринчи босқичда вазирликлар ислоҳ қилинмоқда.

Хусусан, бир-бирига яқин соҳалар негизида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкил этилди.

Президентимиз Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “ижтимоий давлат” тамойилига алоҳида эътибор қаратган эди. Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш демакдир. Бу эса таълим ва тиббиёт сифати, илм-фан ва маданият ривожи, ёшлар ҳаётида акс этади.

Йиғилишда ушбу соҳалардаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Мамлакатни олға бошловчи, ислоҳотларни амалга оширувчи асосий куч бу — билимли ва соғлом авлод. Шу боис таълим тизимининг барча босқичлари ислоҳ қилиниб, изчил ривожлантирилмоқда. Сўнгги йилларда кўплаб боғча ва мактаблар қурилди. Янги университетлар ташкил этилди. Мактабларда ўқувчи ўрни, олий таълим қамрови ошди. Энди асосий эътибор сифатга қаратилмоқда.

2022 йилда 386 минг нафар мактаб битирувчисидан 137 минг нафари олий таълимга, 20 минг нафари коллеж ва техникумларга қамраб олинган. Лекин битирувчиларнинг 50 фоизи ҳеч қандай касб-ҳунарсиз меҳнат бозорига кириб келган.

Жаҳондаги шиддатли рақобат шароитида етук мутахассислар тайёрлаш, ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунинг учун 2023 йилдан бошлаб ўқувчиларни икита хорижий тил ва битта касбга ўргатиш Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг энг устувор вазифаси бўлиши таъкидланди.

Бунга ҳамоҳанг равишда, олий таълим тизими ҳам ўзгариши керак. Шу боис институт ва университетларнинг фаолиятини ислоҳ қилиб, малакали кадрлар тайёрлаш, илм билан ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Сўнгги йилларда олимларнинг иш ҳақи 4,5 баробар оширилган. Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилмоқда. Бундан фойдаланиб, сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби долзарб йўналишларда илмий асослар яратиш зарурлиги қайд этилди.

Ёш авлодни юксак маданият руҳида тарбиялаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Театр, мусиқа ва кино соҳаларини ривожлантириш, мақом ва бахшичиликни асраб-авайлаш муҳимлиги таъкидланди. Халқимиз маданияти ва табиат масканларини кенг тарғиб қилиб, туристларга шароитларни яхшилаш бўйича вазифалар белгиланди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам долзарб масалалар кўп. Бугунги кунда аҳолининг 56 фоизида ортиқча вазн, 30 фоизида сурункали касалликлар бор. Шу боис “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи” умуммиллий ҳаракати бошланиши маълум қилинди.

Тиббиёт таълимига илғор хорижий тажрибани жорий қилиш, тизимни рақамлаштириш ва тиббий суғуртани йўлга қўйиш орқали хизмат сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Аҳолини қийнаб келаётган онкологик, юрак-қон томир ва эндокрин касалликлар бўйича эрта ўлимни кескин камайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда вазирлар тизим фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари ва устувор вазифалар юзасидан ахборот берди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ МУНОСАБАТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз миссиясини якунлаётган БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман билан учрашди.*

**Мулоқот**

Мулоқотда Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган идоралари, жумладан, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази билан ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган конструктив ғоя ва ташаббусларни илгари сурган эди. Ушбу ташаббуслар Самарқандда бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда яхлит дастур тарзида тақдим этилди. Эътиборлиси, бу Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг ташкил топишида муҳим асос бўлди.

Учрашувда бугунги кунда минтақа давлатлари билан барча соҳада, хусусан, парламентлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани ҳам айтиб ўтилди. Буни жорий йил 9-10 февраль кунлари Қозоғистон Республикасининг Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатларининг биринчи парламентлараро форуми мисолида ҳам кўриш мумкин.

➔ 3

## ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ

*Мамлакатимизнинг Сеулдаги элчихонасида ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, олим ва шоир, шоҳ ҳамда саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигига бағишланган адабий тадбир ўтказилди.*

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Корея Республикасидаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирда ушбу мамлакатда фаолият юритаётган ватандошларимиз, Хангук чет тиллари университетида ўзбек тили йўналиши бўйича таҳсил олаётган маҳаллий талабалар қатнашди.

Тадбирда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва бекиёс адабий-илмий мероси ҳақида сўз борди. Хусусан, буюк бобокалонимиз томонидан яратилган нодир, бебаҳо илмий асарларнинг жаҳон тараққиёти, илм-фани ривожидаги аҳамияти, илмий салоҳияти, инсоният тафаккурининг, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ниҳоятда муҳим эканлиги таъкидланди. Бобур ҳаёти ва ижоди, ўлмас асарлари, бобурийларнинг Ҳиндистон тараққиётидаги роли алоҳида қайд этилди.

Бобурнинг бетакрор шеърияти, Шарқ халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, табиати ва қадриятлари ҳақида муфассал маълумот берувчи, инсонни комилликка ундовчи асарлари ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгалиги айтилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда буюк аллома ва мутафаккирларнинг ижодий меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори мамлакатимиз маънавий-маърифий ҳаётида ўзига хос воқелик бўлгани алоҳида қайд этилди.

— Бобур шеърларида ўз даврининг тарихий ҳодисалари, атроф-муҳит, инсонга бўлган муносабат, давр анъаналари турфа воқелик ила акс этган, — дейди Ўзбекистон Ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Корея Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари Елена Чуянова. — Бобур шеърларини шоирнинг таржимаи ҳоли, десак муболаға эмас. Ижодкор шоирона тил орқали теран туйғуларни баён қилган, ҳаётий ҳодисалар тўқнашуви натижасида ҳосил бўлган ҳолатларни моҳирона ёритган. Бундан ташқари, улуғ бобомизнинг адабиёт, тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқа ва географияга оид асарлари бизга тарихимиз ҳақида бой маълумотлар бериш билан бирга ўша давр ёзма манбаларини ўрганишимизда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда ватандошларимиз ва Жанубий кореялик талабалар томонидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидан намуналар ўқилди.

**«Дунё» АА.**
Сеул

**Фракцияларда**

## ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

*Кеча сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Айрим ҳужжатлар юзасидан таклифлар илгари сурилиши баробарида қатъий эътирозлар ҳам билдирилди.*

*Шу билан бирга, Президентимизнинг ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида Жиззах вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ижроси юзасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар атрофлича муҳокамадан ўтказилди.*

### Норасмий бандлик улуши қисқаради

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Омбудсманнинг ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ошиб бормоқда. Хусусан, Омбудсман жамоатчилик вакилларини жалб қилган ҳолда жазони ижро этиш муассасаларига мониторинг ташрифларини амалга оширяпти. Маҳкумлар билан бевосита суҳбатлар олиб бориб, аниқланган муаммоларни бартараф қилиш чораларини кўраётир.

Ҳисобот даврида Омбудсманга фуқаролардан иқтисодий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш юзасидан 2977 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 1202 таси мулк ва мулк дахлсизлиги, 897 таси эса меҳнат ҳамда адолатли меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлар ташкил қилади. Мурожаатларнинг 610 таси Омбудсман томонидан назоратга олиниб, уларнинг 165 таси ижобий ҳал этилган.

➔ 3

Ўзбекистон — Қозоғистон:

## ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Дунёда кечаётган мураккаб сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнлар Марказий Осиё давлатларига нафақат энергетика, транспорт ва логистика масалаларини ҳал қилишда, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам ноанъанавий ечимларни излашни тақозо қилмоқда.*

### Нуқтаи назар



Биргина саноат маҳсулотларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигига эришиш ёки халқоро логистика алоқаларининг нобарқарорлиги шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларини олиб қарайдиган бўлсак, минтақадаги давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликнинг янги ришталарини топишга интилаётганини кўришимиз мумкин.

Албатта, ушбу жараёнда ҳар бир давлат ўзининг минтақадаги интеграциялашувини кучайтиришга иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларини яхшилашга бўлган иштиёқи ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилмоқда.

Бир қарашда бу жараёнлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) каби интеграцион платформалар орқали минтақада барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ривожланишга қаратилган ташаббуслар билан боғлиқдек кўринади. Лекин Марказий Осиё давлатларининг интеграцияси мураккаб жараён бўлиб, ундаги иштирокчилар иқтисодий салоҳияти, ресурслари ва манфаатлари нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади. Шу туфайли ўзаро муносабатлар кўпроқ икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Айни жараёнда минтақада иқтисодий барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сураётган Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари муҳим аҳамият касб этаётир. Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Бейбут Атамкуловнинг яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов билан бўлган учрашувида ҳам асосий эътибор Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

➔ 3

## ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини 2023 йилда амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*

### Давра суҳбати

Тадбирда сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, қўмита экспертлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Лойиҳада 7 та йўналишда 100 та мақсад ва 309 та бандни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, тадбир давомида дастурга киритилган фан-таълим, репродуктив саломатлик, оналик ва болалик, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш, медиация, рақамли маҳалла, хотин-қизлар масалалари каби муҳим жиҳатлар атрофлича муҳокама қилинди.

➔ 3

## МАҚСАДИМИЗ — ОБОД ВА ФАРОВОН ЯНГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ БУНЁД ЭТИШ

*Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад аниқ. Яъни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаганидек, “Бизнинг эзгу мақсадимиз — биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир”.*

### Мушоҳада

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Оролбўйини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмиш шароитини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, қулай бизнес муҳити яратиш ва тадбиркорликни жадал равнақ топтириш ҳамда минтақани экологик ва гуманитар инқироз юз бераётган ҳудуддан экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш мақсадида кенг қамровли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

➔ 2

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар...

## «ШУНДАЙ ЎЛКА БАХТГА ЁР БЎЛСИН!»

***Бугун таваллуд айёмининг 540 йиллиги дунё миқёсида нишонланаётган шоҳ ва шоир, темурий ҳукмдор Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида Жиззахни тўкин-сочин маскан сифатида таърифлайди: “Халилиядан Дизак келинди. ...семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин мундоқ арзонлиқ ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук.***

***Ваҳму усраттин амоне топтуқ,***
***Янги жон тоза жаҳоне топтуқ”.***

*Дарҳақиқат, табиати гўзал ва бетакрор, тарихи қадимий, энг муҳими, инсонлари оққўнгил ва меҳнаткаш Жиззах воҳасида азалдан фаровонликка, тараққиётга интилиш кучли бўлган.*

*Ана шундай яратувчанлик руҳи, фидойилик, жонкуярлик туйғуси, шу билан бирга, Ўзбекистонда кезаётган янгиланиш нафаси Жиззах аҳлини бугун ҳам интилиш ва изланишга, янги марраларга чорлаб турибди.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси ва ташаббуси билан кейинги олти йилда вилоятда асрларга татигулик ишлар бажарилди, десак, муболаға эмас. Жиззах қишлоқ хўжалигига асосланган иқтисодиётдан шу қисқа фурсат мобайнида саноати жадал ривожланаётган ҳудудга айланди.*

*Давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 февраль куни Жиззах вилоятига ташрифи давомида танишган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар, бунёдкорлик ишлари буни яна бир бор яққол намоён этди.*

*Вилоятга хизмат сафаримиз давомида у ерда амалга оширилаётган янгиланишлар аҳоли турмуш даражаси, тафаккури, кайфиятию руҳиятидаги ўзгаришларга замин бўлаётганига гувоҳ бўлдик.*

➔ 2



# «ШУНДАЙ ЎЛКА БАХТГА ЁР БЎЛСИН!»

←1

## Ғурур-орияти осмон қадар халқ

Жиззах аҳли ғурурли ва ориятли, меҳнаткаш ва меҳмондўст халқ. Ҳеч қачон бировга қаддини эгмаган, қадрини тўкмаган, ўлимга ҳам тик боққан. Уларнинг жасорати ва матонати оташин халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг “Жиззах қўзғолони” номли достонида тўлиқ аксини топган.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб Мирзачўл ва Жиззах чўллари ўзлаштирилиб, аҳоли яшайдиган масканлар барпо этилган. Тоғли туманлардан одамлар кўчиб келиб, шу жойда униб-ўсиб, томир ёйган. Бугунги кунда Пахтакор, Зафаробод, Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл, Зарбдор туманлари ана шундай ўзлаштирилган ҳудудлар ҳисобланади.

Йиллар ўтиши билан пахта сиёсати устувор бўлган бу ҳудудда қишлоқ инфратузилмаси тамоман издан чиқди, муаммолар кўпайганидан-кўпайиб бораверди. Ичимлик суви йўқ, эски сув тармоқлари ёпилиб, ишдан чиқди, улардан фойдаланиш мумкин бўлмай қолди. Ўтган аср ўрталарида қурилган икки қаватли уйлар нураб, бир томони ямалса, иккинчи томони осилаверди. Жони қаттиқ аҳоли ўзича унинг ёнида енгил-елпи бостирма, чалдевор қуриб яшайверди. Осмон узоқ, ер қаттиқ, деганларидай, аҳоли арикдан лойқа сув ичиб, бола-чақасининг қорнини тўйдиришдан бошқа орзу-ҳавасни ўйламай қўйди. Ишлаб чиқариш деярли йўқ, дала зироатчилигидан олинадиган даромад тирикчиликни қоплашга етмаганидан кўпчилик бола-чақасини боқиш учун узоқ ва яқин хорижга улоқиб кетди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил март ойида қабул қилинган “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги Фармон ва қарор мамлакатимизнинг чекка ҳудудларда жойлашган қишлоқларга қайта ҳаёт бахш этди. Бу дастур энг биринчилардан бўлиб Дўстлик туманидаги қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган Манас қишлоғида, кейинчалик бошқа қишлоқ ва маҳаллаларда амалга оширилди. Қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси тубдан янгиланди, узоқ йиллардан бери тўпланиб қолган муаммолар бартараф этилди.

## Вилоятнинг «ташриф қоғози»

Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида Жиззах шаҳрида махсус дастур асосида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳарнинг Мустақиллик кўчаси 50 метргача кенгайтирилиб, пастқам ва кўримсиз бинолар ўрнида кўп қаватли, кўркам уй-жойлар қад ростлади. Алишер Навоий, Буюк Турон, Шароф Рашидов кўчаларида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. “Суғдиёна” стадиони ўрнида замонавий футбол майдони, спорт зали ва сузиш ҳавзалари, ўнга яқин анъанавий спорт турлари билан шуғулланишга мўлжалланган махсус заллардан иборат спорт аренаси қад кўтарди.

Марказий кўчалар ёқасидаги эски, бир қаватли уйлар ва турли пастқам объектлар ўрнида кўп қаватли замонавий уйлар қурилди. Умумхалқ байрами ва сайиллар ўтказишга мўлжалланган “Ёшлар шаҳарчаси”даги соя-салқин масканлар Жиззахнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланди. “Ором” фавворалар мажмуаси шаҳарликлар ва меҳмонлар сайр қиладиган, ҳордиқ чиқарадиган баҳаво, хушманзара жойга айлантирилди, 17 та янги хиёбон барпо этилди. “Хотира боғи” хиёбонида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва бедарак кетган жиззахликларнинг исм-фамилияси битилган “Хотира китоби” мажмуаси қурилди.

## Ёш селекционер олимнинг катта ниятлари

Президентимизнинг Жиззах вилоятига сафар дастуридаги биринчи манзил Пахтакор туманидаги “Пахтакор элита уруғчилиги” фермер хўжалиги бўлди. 100 гектарлик майдоннинг 80 гектарига пахта, ғалла, қолган қисмига соя, саримсоқпиёз, беда экилган. Дала четига тут, узум, полиз ва дуккакли маҳсулотлар экилган, асалари уялари қўйилган. Енгил конструкциялардан бежирим дала уйи қурилган, унинг томига қуёш панеллари ўрнатилган. Президентимиз ушбу уйни кириб кўрди, фермер оиласи билан суҳбатлашди.

— Президентимизнинг уйимизга меҳмон бўлиб келишини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эдим, — дейди хўжалик раҳбари, селекционер олим Жаҳонгир Маллаев. — Жуда шошиб қолдик, у кишини ўзимиз яшаётган дала уйига таклиф қилдик. Президентимиз шарт-шароитларни кўрди, оиламиз билан суҳбатлашди. Дала-деҳқончилик ишларимиздан хурсанд бўлди. Элита уруғчилик соҳасини ривожлантириш кераклигини, тажрибаларни давом эттириш учун нимаики лозим бўлса, ёрдам беришини айтди. Бундан бошим осмонга етди. Элита уруғчилик соҳасини ривожлантириш бўйича жуда катта режаларим бор, Худо хоҳласа, шуларни амалга ошираман. Президентимиз томонидан фермерларнинг манфаатдорлигини таъминлаш, маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни қўллаб-қувватлаш бўйича берган кўрсатмалари ҳам бизга қанот берди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили октябрда Сирдарё вилоятида бўлганида дала четларидаги ерлардан самарали фойдаланиш, фермер ва ишчиларга қулайлик яратиш учун дала уйлари қуриш зарурлигини айтган эди. 2021 йилда Пахтакор туманида фермер хўжалигини ташкил этган асли ғаллаороллик бўлган ёш селекционер олим Жаҳонгир Маллаев шу кўрсатма асосида ўз бахтини синаб кўрмоқчи бўлди. Ўзига ажратилган 100 гектар ернинг 40 гектарига пахтанинг “Бухоро-102” супер элита навини, ғалланинг “Ўзбекистон-25” ва “Дўстлик” элита навларини экди.

— Мен қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича Шоличилик илмий-тадқиқот институтининг селекция уруғчилик бўлимида тажриба-синов ишларини ўтказганман, шу йўналишда аспирантурада ўқидим. Яқинда номзодлик диссертациясини ёқлаш ниятидаман, — дейди Жаҳонгир Маллаев. — Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Тошкент илмий тажриба станцияси раҳбари бўлиб ишлаган давримда ҳам ана шу тадқиқотларни давом эттирдим. Олган тажрибаларимни амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида Пахтакор туманида фермер хўжалиги ташкил этиб, иш бошладик. Биринчи йили пахтанинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олган бўлсак, 2022 йилда бу кўрсаткични 42 центнерга етказдик. Ғалладан ўтган йили гектаридан 82 центнер ҳосил олдик. Хўжаликларни юқори сифатли, унумдор ҳосил берадиган уруғликлар билан таъминлашни йўлга қўйдик. Эндиги ниятимиз — илмий тадқиқот ишлари билан амалиётни уйғунлаштириб, бундан ҳам унумдор ҳосил берадиган навларни яратишдан иборат.

## Энг тез ўсаётган саноат тармоғи

Илгари Жиззах вилояти саноат кўрсаткичлари аҳоли жон бошига энг паст бўлган ҳудудлардан бири эди. Давлатимиз раҳбарининг “Жиззах” эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони ҳудуд иқтисодий ривожи ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда ҳар бир туманга саноат кириб борди. Ишлаб чиқаришга 54 минг аҳоли жалб этилган бўлса, шундан 6,5 минг нафари юқори малакали мутахассислар ҳисобланади. Кейинги олти йил мобайнида янги саноат корхоналарини барпо қилиш учун қарийб 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилинган. Бунинг натижасида 2 мингга яқин янги корхоналар очилиб, ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки бараварга ошди.

Олдин вилоятнинг саноат маҳсулоти, асосан, пахта толаси бўлса, ҳозирги кунда электротехника, оптик тола, автомобиль, мураккаб кимёвий моддалар, энерготежамкор материаллар каби юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Вилоятдаги саноат экспорти 1,8 баравар ошиб, 166 миллион долларга етди.

Жиззахда энг тез ўсаётган саноат тармоғи, бу — қурилиш ва энергиятежамкор материаллар ишлаб чиқаришдир. Охирги олти йилда бу соҳада 200 дан зиёд лойиҳалар ишга туширилиб, 180 та янги корхона ташкил этилди. Ана шунинг ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми 10 баравар ошди ва экспорт етти баравар кўпайди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Президентимиз вилоят фаоллари билан учрашувда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, дунё бозорларига жадал кириб бориш, юқори даромадли иш ўринларини яратиш фақат ва фақат саноат орқали бўлишини таъкидлаб, уларнинг эътиборини келгуси икки йил ичида Жиззахда автомобилсозлик ва металлургия соҳаларида йирик лойиҳалар ишга туширилишига қаратди.

## Электромобиллар ишлаб чиқарилади

“Жиззах” эркин иқтисодий зонасида 2021 йилда иш бошлаган “ADM Jizzakh” автомобиль заводида ҳозирга келиб 13 турдаги “KIA”, “Renault”, “Chery” ва “Lada” автомобиллари йиғилмоқда. Корхонада 200 нафардан зиёд малакали мутахассислар меҳнат қилади. Автомобилларнинг, асосан, йирик эҳтиёт қисмлари йиғиладиган ушбу заводда келгусида кичик деталларни ҳам йиғиш ва ишлаб чиқариш босқичма-босқич маҳаллийлаштирилади.

Бундан ташқари, автомобиль заводи тайёр автомобиллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиради, конструкторлик тадқиқотлари, логистика ва кадрлар тайёрлаш билан шуғуллана бошлайди.

Давлатимиз раҳбари Жиззахдаги саноат зоналарини ривожлантириш борасида ўз таклиф ва тавсияларини бериш баробарида масъуллар олдига жорий йилнинг иккинчи ярмига бориб 80 миллион доллар инвестиция киритиш ҳисобига электромобиль заводи ишга туширилиши вазифасини қўйди. Бунинг учун ҳозирдан ўзимиздаги корхоналар билан кооперация асосида бутловчи қисмларни етказиб бериш дастурини бошлаш кераклигини таъкидлади.

## Экспортбоп маҳсулотлар кўпаяди

Вазирлар Маҳкамасининг “2022 — 2026 йилларда Жиззах вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори доирасида “Жиззах” эркин иқтисодий зонасида 27 та лойиҳа амалга оширилиб, 5 минг 300 га яқин иш ўринлари яратилди, бизнесга қулайлик кенгайтирилди. Ҳозир бу ерда яна 14 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан бештаси жорий йилда ишга туширилади. Фориш туманидаги “Учқулоч” конини тиклаш бўйича хорижий инвесторлар билан шартнома тузилиб, бурғилаш ишлари бошланади. Бунга 200 миллион доллар инвестиция жалб қилиш асосида 600 та иш ўрни яратилади.

Зафароборддаги “Хуак-син цемент” корхонаси ишлаб чиқариш қуввати бўйича юртимизда учинчи ўринда туради. Жиззах саноат зонасидаги “Минг юан индастри” корхонаси безакли ойна бўйича республика эҳтиёжининг 90 фоизини таъминлаяпти. Ана шу ишлар самараси ўлароқ, Жиззах саноатида қурилиш материаллари улуши 2 баробар ошиб, 25 фоизга етди.

“Mono Electric” корхонасида бир ярим минг турдаги электр техника маҳсулотлари, “Super medical elements”да 40 турдаги тиббий буюмлар ишлаб чиқарилади. Ушбу корхоналар ҳисобига 700 дан ортиқ аҳоли юқори даромадли доимий иш жойига эга бўлди. Улар қаторига 2022 йил октябрда “Iruskon” қандолат корхонаси ҳам қўшилди.

— Ҳозир Россия, Туркия, Германия ва Италия тажрибаси асосида “Deya” бренди билан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, — дейди корхона таъсисчиси Рустам Икромов. — Корхонамизнинг йиллик қуввати 12 минг тонна бўлиб, юзга яқин кишилар иш билан таъминланган. Келгуси йил иккинчи босқич учун Германия ва Туркиядан яна 5 миллион долларлик ускуналар олиб келиш режалаштирилган. Бунинг натижасида яна 600 га яқин янги иш ўринлари яратилади. Президентимиз корхонамизни янада ривожлантириш учун нималар қилиш кераклиги бўйича тегишли тавсия ва топшириқлар берди. Шундан келиб чиқиб, 2025 йилга қадар корхонанинг 4 ва 5-босқичларини ишга тушириш ниятидамиз.

Иқтисодий зонадаги яна бир корхона — “Master Building Products” масъулияти чекланган жамиятида 600 га яқин иш ўринлари яратилган бўлиб, йилига 3 миллион дона қувур ва фитинг маҳсулотлари, қурилиш материаллари тайёрланади. 115 киши меҳнат қилаётган “Global Optical Communication Uzbekistan” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида йилига 85 минг километрлик оптик толали кабель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхоналарнинг иш жараёни, маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди, маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берди.

Иқтисодиётнинг ривожланиши ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш, талаб ва эҳтиёжларни тўлароқ қондириш имконини яратмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш, мактаб ва мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар — келажагимиз”, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурларини амалга ошириш устида изчил иш олиб борилмоқда.

## Қайта тикланувчи энергия манбалари салоҳияти

Вилоятда камида икки минг мегаватт қайта тикланувчи энергия манбалари учун салоҳият бор. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда 270 мегаватт қуёш энергияси қувватлари ишга туширилади ва шунинг ҳисобига электр энергиясидаги танқислик ортиғи билан қопланади. Ғаллаорол туманида Бирлашган Араб Амирликларининг “Масдар” компанияси тўғридан-тўғри 200 миллион доллар миқдоридаги инвестиция ҳисобидан 220 мегаватли йирик қуёш фотоэлектр станциясини ишга туширади. Келгуси йилда бу станция тўлиқ қувватга чиқиб, 500 миллион киловатт-соат электр олинади ва вилоят эҳтиёжининг 20 фоизини қоплайди.

Зафаробод туманида иккита кичик ГЭС, вилоятда эса уч мегаватли микроГЭСлар қурилади. Осиё тараққиёт банки билан бирга Форишда 150 мегаватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Ушбу станция тўлиқ қувватга чиққанда 370 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.



— Президентимиз вилоятимизга қилган сафарларидан бирида қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари бўйича бир қатор таклифларимни айтгандим, — дейди Жиззах политехника институти профессори, физика-математика фанлари доктори Урушбой Йўлдошев. — Ўшанда у киши менинг асосли фикрларимни маъқуллаб, илмий изланишларимни қўллаб-қувватлади. Президент билан бу галги учрашувда яна қўшимча таклифларимни айтиш имконига эга бўлганимдан хурсандман. Давлатимиз раҳбари ўтган галги учрашувимизни эслади, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Электр энергиясини тежаш вазифаси кун тартибига чиққан ҳозирги пайтда банклар иштирокида алоҳида компания ташкил қилиниб, Жиззахдаги 250 та ижтимоий соҳа ва давлат идоралари биноларида қуёш панеллари ўрнатиладиган бўлди. Беш мегаватли қуёш панеллари бу биноларни “яшил” энергия билан таъминлайди. Саноат зонаси ва тадбиркорлар биноларида 15 мегаватли қувватлар жойлаштирилади. Бунинг учун тадбиркорларга банклар томонидан 100 миллиард сўм кредит ресурслари ажратилади. Ҳозир хонадонларга қуёш панелларини ўрнатишни йўлга қўйдик. Президентимизнинг бу галги ташрифи илмий изланишларимиз кўламини янада кенгайтиришга имкон яратди.

## Базальтдан 7 хил замонавий маҳсулот

Президентимиз Фориш туманидаги базальт тошини қайта ишлаб, базальт толаси ва арматураси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Mega Invest Industrial” қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

2017 йил декабрда иш бошлаган корхона фаолияти учун Буюк Британиядаги “Leigh Barrier” компаниясининг 11 миллион доллар ҳамда тижорат банкининг 26 миллион доллар кредит маблағи йўналтирилди. Германия, Франция, Италия, Россия, Туркия каби давлатлардан замонавий “ноу-хау” технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада 200 дан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, йилига 4 минг тонна базальт толаси ва 4800 тонна арматура тайёрланади.

Базальт арматурасининг металл арматурадан фарқи шундаки, у 8 баробар енгил, 3 баробар мустаҳкам, зангламайди, ўзидан электр токини ўтказмайди. Металл арматурадан 30 фоиз арзон ҳамда 100 йилгача ўз хусусиятини йўқотмайди. У минтақамизда ягона ва МДҲ давлатларида иккинчи шундай корхонадир.

— Давлатимиз раҳбари ўтган сафар корхонамиздаги иш жараёнини кўздан кечирганида бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада ошириш, таннархини камайтириш, ҳажмини кўпайтириш борасида тизимли ишларни уддалаш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берган эди, — дейди корхона таъсисчиси Санжар Эргашев. — Вилоятда биргина базальт захираси 26 миллион тонна бўлиб, республикадаги жами захиранинг 25 фоизини ташкил этади. Ҳозир базальтдан талаб юқори бўлган етти хил замонавий маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу Фориш туманида 6 та корхонадан иборат яхлит кластерга айланди. Президентимиз билан бўлган онлайн мулоқотда корхонада олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳисобот бердик, тегишли топшириқ ва тавсияларни олдик.

## Ерости конлари халқимизни бой-бадавлат қилади

Вилоят ҳудудида барпо этилаётган янги корхоналар яқин йилларда Жиззахни мамлакатимизнинг энг саноатлашган ҳудудларидан бирига айлантириши шубҳасиз. Чунки Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Фориш ва Янгиобод туманларида базальт, цемент, керамзит, шиша ва минерал хомашё захирасига бой 200 га яқин конлар бор. Уларга тадбиркорларни жалб қилиш орқали саноат кўрсаткичларини бир неча баравар ошириб, бемалол янги бозорларга кириб бориш мумкин.

Бунинг учун “Саноат ипотекаси” дастури бўйича, тадбиркорларга икки йиллик имтиёзли давр билан етти йил муддатга биринчи босқичда 50 миллион доллар ресурс ажратилади. Ана шу асосда “сэндвич-панел”, газоблок каби янги турдаги энергиятежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 20 та лойиҳа амалга оширилади. Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида бу борадаги лойиҳалар таъминлаш мақсадида “Тадбиркорлар мактаби”ни ташкил этиш кераклигини таъкидлади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан соҳага янги тажриба ва инновацияни олиб кириш мақсадида Фориш кластеридаги ҳар бир корхонага етакчи олим ва технологлар бириктирилади.

## Ўқимишли аёллар зиёли фарзандларни улғайтиради

— Президентимиз билан бўлган учрашувда менга сўз берилганида, тўғриси, ҳаяжондан ўзимни йўқотаёздим, — дейди тадбиркор Феруза Умарова. — Энди қаранг: Президентимиз қаерга борса, аввало, оддий халқ билан учрашади, туриш-турмуши билан танишади. Дардларини тинглайди, муаммоларини ҳал қилади, кўнглига йўл топади. Қанийди, ҳамма раҳбарлар ҳам шундай бўлса!

Ўтган сафар Президентимизнинг Жиззахга келиши менга ҳақиқий бахт калитини қўлимга тутди, деб баралла айта оламан. Чунки ўша пайтда бешта фарзандим билан роса қийналиб қолган эдим. 30 миллион сўм кредитга 6 та компьютер сотиб олиб, ўқув маркази ташкил қилдим. Ҳозир 6 нафар ўқитувчи ёшларга IT дастури бўйича сабоқ беряпти, компьютерларимиз сони 26 тага етди. Ўтган йили ўқув марказимизда сабоқ олган икки нафар ўқувчи Президент мактабига, бир нафар битирувчимиз олий ўқув юртига қабул қилинди. Қизим Севинч Яхшибоева ITS сертификатини қўлга киритиб, олий ўқув юртига имтиёзли ўқишга кириш имконига эга бўлди. Бу мен учун катта бахт. Президентимиз миннатдорлик билдириб, бир гапни айтди: “Ўзбегимнинг ўқимишли аёллари зиёли фарзандларни улғайтиради. Мен сизлар билан биргаман, Президент ортингизда турибди!”. Бу сўзлар мен каби барча аёлларимиз учун юксак ишончдир.

Президентимиз қайси ҳудудга бормасин, ёшлар билан суҳбатлашади, уларнинг орзу-мақсадлари билан қизиқади. Жиззахда ҳам ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Ана шундай бахтга мушарраф бўлган ёшлардан бири — “Келажак бунёдкори” медали соҳиби Дилчеҳра Эргашевадир. Шижоати қайноқ бу қиз Жиззах давлат педагогика университетида ўқиш билан бирга, Пахтакор туманидаги “Silverleafe” пахта-тўқимачилик кластерида комбайн оператори бўлиб ишлайди.

— Ўзим қишлоқ хўжалигига жуда қизиқаман, — дейди Дилчеҳра Эргашева. — Шунинг учун ўтган йили механизаторлик курсида ўқиб, мавсумда комбайнда ғалла ўрдим, пахта тердим. Учрашувда ана шуларни гапириб бердим. Ўтган йили давлатимиз раҳбари “О, мени қизим”, деб мақтаб, кўксимга “Келажак бунёдкори” медалини тақиб қўйганди. Президентимиз бу галги учрашувда ўша лаҳзани дарҳол эслади. Менга катта ишонч билдириб, “Мана шу танлаган йўлингиздан асло ортга чекинманг, шу йўлда давом этинг!” деди. Руҳим янада кўтарилди. Билдирилган ишончни, албатта, оқлайман.

## Инсон қадри ҳамма нарсадан устун

— Умрим давомида қимматчилик, қаҳатчилик замонларини кўрдим, турли лавозимларда, турли раҳбарлар билан ишладим, — дейди узоқ йиллар давлат ва жамоат арбоби сифатида фаолият кўрсатган меҳнат фахрийси Салоҳиддин Назаров. — Ёшим бир жойга борганида, қанчалик аччиқ бўлмасин, айтишим керак, шуни англаб етдимки, бир умр пахта, ғалла деб югуравериб, оддий инсон қадрини билмабмиз, ундан аҳволинг, тирикчилигинг қандай, деб сўраш ўрнига пахтанг, ғалланг қандай бўлди, нега режани бажармадинг, деганмиз. Тўғри, замон бизлардан шуни талаб қилган. Лекин сўнгги йиллар мобайнида кўз ўнгимизда рўй берган ўзгаришлар, халқ манфаатлари жамиятда ҳамма нарсадан устун қўйилиши, инсоннинг қадр топиши одамларнинг дунёқарашини, жумладан, менинг ҳам фикрлашимни ўзгартириб юборди. Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган бунёдкорликлар, тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, одамларни рози қилиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар уларнинг бой-бадавлат бўлиши, тўкин-сочинликда яшаши учун хизмат қилади.

Биргина 200 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Ғаллаорол туманини оладиган бўлсак, 85 минг гектар лалми ери бор. Қўйтошда фаолияти тўхтаб қолган корхона мавжуд. Лекин узоқ йиллар меҳнатга лаёқатли кўплаб одамлар, айниқса, ёшлар ишсизликдан хорижга мардикорликка кетди. Мана энди қисқа муддатлар ичида туманда учта завод ишга тушириладиган бўлди, демак, ўз-ўзидан одамлар иш билан таъминланади. Лалми ерлар аҳолига бўлиб беріляпти, демак, улар иш билан банд бўлади. Ҳозир қудуқ қазиб, сув чиқариб, токзорлар, ёнғоқзорлар барпо қилишяпти, тирикчилигини яхшилаяпти. Мен учрашувда Президентимизга ана шулар ҳақида гапирдим, ўз миннатдорлигимни билдирдим...

Мухтасар айтганда, Жиззахнинг кўрку таровати, инфратузилмаси кундан-кунга яхшиланмоқда, иқтисодиёти бақувватлашиб, ҳусну жамоли тобора кўркамлашиб бормоқда. Анчадан буён шаҳарга йўли тушмаган одам уни танимай қолиши, ҳатто адашиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки сўнгги йилларда, нисбатан қисқа вақт ичида кўз ўнгимизда содир бўлган ўзгаришлар, янгиланишлар унинг меҳнаткаш аҳолиси, қўлигул тадбиркорлари, кўзларида ғайрат-шижоат балқиб турган йигит-қизларнинг фидойилиги, чин маънодаги ватанпарварлиги туфайли амалга ошмоқда. Саноат ривожи Жиззах вилоятини тараққиётнинг янги босқичига кўтармоқда. Ҳаёт фаровонлигини ошириб, одамларнинг ёруғ умидларини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари қалбида ҳам ўша Жиззах вилоятидаги сайловолди учрашувида улуғ шоиримиз Ҳамид Олимжон сўзлари билан такрорлаган эзгу тилак барқ уриб турибди: “Шундай ўлка доим бор бўлсин, Шундай ўлка бахтга ёр бўлсин!”

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# МАҚСАДИМИЗ – ОБОД ВА ФАРОВОН ЯНГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИ БУНЁД ЭТИШ

←1

Буни давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан охирги икки йилда олиб борилаётган кўламли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган “Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонга биноан, Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар бўйича фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари берилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу ҳужжат билан 2031 йил 1 январгача Мўйноқ туманидаги шу тоифага кирувчи тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, ижтимоий солиқ, жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича ўрнатилган солиқ ставкалари бир фоиз этиб белгиланди. Айни чоғда мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари шу солиқлар бўйича ҳисобланган суммадан бир фоиз миқдорида белгиландики, бу ҳудуднинг ривожига қанчалик туртки беришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Солиқ имтиёзлари бериш билан боғлиқ ислоҳотлар мунтазам давом этиб келаётгани, айниқса, диққатга сазовор. 2022 йилнинг 31 августидаги “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони билан ҳудуд туманларидаги тадбиркорлик субъектлари учун 2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январгача бўлган давр учун қатор енгилликлар берилди.

Хусусан, фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ва улардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкалари 50 фоизга туширилди. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланаётган ижтимоий солиқ шаҳарлар ҳудудида фаолият юритаётганлар учун 12 бараварга, туманларда фаолият юритаётганлар учун 6 бараварга камайтирилиб, йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари даражасида солиқ имтиёзи берилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Яъни 2022 йил 1 октябрдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда ҳудудда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга экспорт қилишда, жумладан, экспортга жўнатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун харид этиладиган хомашёни республика бўйлаб ташишда транспорт харажатининг 70 фоизи Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланган рўйхатга асосан Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланадиган бўлди. Айни чоғда ажратиладиган кредит суммасининг 75 фоизигача, бироқ умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан кафилликлар тақдим этилиши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, ёш тадбиркорларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун зарур асбоб-ускунани харид қилиш мақсадида Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали 7 йил муддатга қарз маблағлари тақдим этилмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 1 ноябрдаги “Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига ҳам алоҳида тўхталиш зарур. Бу билан Қорақалпоғистонда ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган шароити оғир оилалар ва фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда овул ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш мақсад қилинган. Мазкур ҳужжат асосида Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикасидаги барча овул ва қишлоқлардаги аҳоли тураржойлари ҳамда ички йўллар ҳолати бўйича ўтказилган хатловда аниқланган, оғир турмуш шароитидаги оилаларга қарашли 21 минг 94 та уй-жойнинг том қисмини таъмирлаш, 709 та яшаш учун яроқсиз ҳолатдаги уй-жойни янгидан қуриш, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига бириктирилмаган Амударё, Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманларидаги 2 минг километрлик тупроқ йўлларга қум-шағал ётқизиш режалаштирилган.

Бунда оғир турмуш шароитидаги оилаларга қарашли уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш (ёпиш) ҳамда яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатидаги уй-жойларни янгидан қуриш учун Нукус шаҳри ва шимолий 12 тумандаги 14 минг 332 хонадон учун 231,6 млрд. сўм ва жанубий 4 тумандаги 7 минг 471 хонадон учун 112,3 млрд. сўм йўналтирилади. Шунингдек, жанубий туманлардаги 2 минг километрлик тупроқ йўлларга қум-шағал ётқизиш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан 20 млрд. сўм маблағ ажратилади.

Умуман, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун жами 363,9 млрд. сўм маблағлар ажратилаётгани эътиборга молик.

Айни ўринда Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Негаки, унга биноан ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун жорий йилда 12 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Биз бежиз бу ҳужжатлар ҳақида батафсилроқ тўхталмадик. Мазкур ҳужжатларнинг барчасини бирлаштирадиган ягона нуқта бор, у ҳам бўлса, Қорақалпоғистонни обод ва фаровон ҳудудга айлантириш мақсадидир.

Кўриниб турибдики, сўз юритилган ҳужжатларда белгиланган вазифалар ниҳоятда залварли. Демак, уларни рўёбга чиқариш учун нафақат масъуллар, айни чоғда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда биз, парламент вакилларидан катта куч ва масъулият талаб этилади.

**Ботир МАТМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ МУНОСАБАТЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

← 1

Бу анжуман минтақа мамлакатлари ўртасида стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ушбу жараёнда парламентлар ролини янада оширишда муҳим платформа вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир.

Мулоқот давомида Сенат Раиси Т. Норбоева Н. Германга унинг миссияси давомида Ўзбекистоннинг минтақавий марказ билан ўзаро ҳамкорлиги сезиларли даражада фаоллашганини, муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этди.

— 2017 — 2022 йилларда БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази билан яқин ҳамкорликда Ўзбекистонда бир қатор муҳим халқаро ташаббус ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Биз дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақавий характердаги қатор долзарб муаммоларни ҳал этишда марказ жамоаси билан яқин ва конструктив шерикликни давом эттирамиз, — деди Сенат Раиси.

Ўз навбатида, Наталья Герман Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳақида тўхталаркан, айнан Ўзбекистоннинг ташаббускорлигида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик жиддий фаоллашаётганлигини юксак баҳолади. Айни чоғда, у минтақада ўзаро фаол ҳамкорлик ва конструктив муҳокама форматини илгари сураётган Ўзбекистоннинг қардош мамлакатлар ўртасидаги турли масалаларнинг ҳал қилинишида ва минтақавий шериклик ривожидаги асосий ролини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, дўстона ва амалий руҳда кечган мулоқотда хавфсизлик, барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган ҳамкорликни янада кучайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

# ДАСТУР ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР

← 1

Давра суҳбатида хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этишда масъул Халқ банки вакили томонидан 2023 йилда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 13 трлн. сўм ажратилгани, шу билан бирга, хотин-қизлар учун 14 фоизли имтиёзли кредит сақланган ҳолда, кредит миқдори 50 млн. сўмгача оширилгани ва бу сумманинг 10 млн.дан 20 млн. сўмгача бўлган миқдори накд пул кўринишида берилиши кўзда тутилгани таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда дастур лойиҳаси бўйича бир қанча таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишда психолог ёрдамини кенгайтириш, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларга хизмат кўрсатувчи халқаро реабилитация марказлари тажрибасини ўрганиш, хориждаги Ўзбекистон фуқароларини, шу жумладан, хотин-қизларни онлайн ўқитиш каби таклифлар берилди.

**«Халқ сўзи».**

## Ўзбекистон — Қозоғистон:

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

← 1

### Бу шунчаки гап эмас

Мазкур учрашув чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро интеграциялашувининг асосий йўналишлари борасида Н. Исмоилов энергетика соҳасидаги шериклик, транспорт ва коммуникация тармоқлари, савдо, сармоя киритиш ва маданий алмашинувларни кучайтиришда икки давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатларига эътибор қаратди. Биргина 2022 йилда Президентлар 8 марта мулоқот ўтказганлиги ва шу аснода ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларига оид бир қанча муҳим келишувларга эришилганлиги ўзининг ижобий натижаларини бераётганлиги таъкидланди. Агар Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо ҳажми охирги олти йилда 3 бараварга ошиб, 7,5 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, шундан 5 млрд. долларга яқини Қозоғистон билан амалга оширилган савдо алоқаларига тўғри келади. Биргина 2022 йида ўзаро савдо ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 18 фоизга ортганлиги иккала давлат учун ҳам ижобий натижа ҳисобланади.

Юқоридагиларни эътироф этган ҳолда, Қозоғистон элчиси эндиги марра трансчегаравий савдо-сотиқ ишларини осонлаштириш ва транспорт алоқаларини ривожлантириш ҳисобига бу кўрсаткични яқин йилларда икки бараварга оширишдан иборатлигини таъкидлади. Айни чоғда, элчи жаноблари қадимдан ота-боболаримиз Қозоғистондан Ўзбекистонга чорва моллари олиб келиб сотишгани, ишлаган пулига эса юртимиздан мева, сабзавот, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар харид қилганликларини эслаб, мана шундай алоқаларни тиклаш иккала халқ манфаатларига мос келишини айтиб ўтди.

Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги интеграциявий жараёнларни янада кучайтириш, ташқи таҳдидлар таъсирига чидамли бўлишни таъминлаш борасида ҳам биргаликда ҳаракат қилишни тақозо этади. Шу жиҳатдан Б. Атамкулов Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш борасида ўта прагматик сиёсат олиб борилаётгани натижасида Марказий Осиё минтақасида геосиёсий муҳит кескин ўзгаргани, шунингдек, тинчлик ва осойишталикни сақлаш йўлида амалга оширилаётган сиёсат самараси ўлароқ минтақага оид кўплаб халқаро доирадаги масалалар ўз ечимини топаётганини алоҳида эътироф этгани эътиборга молик. Зеро, бу дипломатиянинг шунчаки "навбатчи" гаплари эмаслиги яққол сезилиб турибди. Бунинг исботини Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар нафақат яқин қўшниларимизда, балки узоқ хориж давлатларида ҳам катта қизиқиш уйғотаётганида кўриш мумкин.

### Имкониятлар кўлами

Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон учун ҳамкорликнинг муҳим ва истиқболли соҳаларидан бири — бу энергетикадир. Ўз энергия ресурсларига, жумладан, нефть ва табиий газга эга бўлган икки давлатнинг бу соҳани кооперация йўли билан янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Масалан, Қозоғистон учун логистика муаммолари кучайиб бораётган бир пайтда нефтни Ўзбекистонга йўналтириш ва биздаги мавжуд қувватларни тўлиқ ишга солган ҳолда қайта ишлашни йўлга қўйиш икки томон учун ҳам манфаатли бўлар эди. Худди шунингдек, Ўзбекистоннинг сифатли кўмирга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда, Ангренда кўмирни чуқур қайта ишлаш кластерини яратиш имконияти мавжуд.

Ҳамкорликнинг яна бир муҳим жиҳати савдо-сотиқ муносабатларини янгича ташкил этиш ҳисобига савдо айланмасини кескин ошириш билан боғлиқ. Иккала мамлакатнинг салмоқли савдо салоҳиятини эътиборга олган ҳолда биргина трансчегаравий савдони кенгайтириш, хусусан, чегараолди ҳудудларида эркин савдо зоналарини барпо қилиш ҳисобига кичик ва ўрта бизнес вакиллари ўртасида ўзаро савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш имкони туғилади. Табиийки, бундай алоқалар кейинчалик ўзаро ҳамкорликда сармоявий келишувларни ривожлантириш, қўшма бизнес лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини рағбатлантиради.

Транспорт ва логистика соҳасини ривожлантириш ҳам Қозоғистон ва Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида, Қозоғистон эса Ғарб ва Шарқ билан боғловчи транспорт йўлагида жойлашганлиги билан минтақада муҳим ўринга эга. Хусусан, Қозоғистон стратегик жиҳатдан Европа ва Осиё ўртасида жойлашган бўлиб, минтақага Шимол ва Ғарбдан кириш эшиги бўлиб хизмат қилади. Бу эса Ўзбекистон учун Европанинг катта бозорига чиқиш имконини беради. Худди шунингдек, Ўзбекистоннинг транспорт ва логистика салоҳиятини Қозоғистон учун Жануб дарвозаси сифатида қараш мумкин.

Шундай экан, икки давлат учун ҳам транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш нафақат ўзаро, балки минтақалараро транспорт алоқаларида мавжуд салоҳиятдан фойдаланган ҳолда стратегик шерикликни амалга ошириш имконини берувчи манфаатли йўналишлардан бири ҳисобланади.

### Тез натижа берадиган соҳа

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам ҳамкорлик имкониятларининг яна бир муҳим жиҳати, десак, хато бўлмайди. Қозоғистон ҳам, Ўзбекистон ҳам бу йўналишда катта салоҳиятга эга эканлигини ҳисобга олсак, айни пайтда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган технологиялар трансфери, қўшма тадқиқотлар ўтказиш, биргаликда соҳага оид ишланмалар ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ишга солинмаган имкониятлар кўп.

Шу ўринда иккала давлат ўртасида чорвачиликни ҳамкорликда ривожлантириш учун мавжуд захиралар хусусида кенгроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ. Чунки чорва маҳсулотлари билан бозорларимизни тўйинтириш ва уларнинг нархи масаласи ҳаммани бирдек қизиқтиради. Шундай экан, икки давлат чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш ва харажатларни камайтириш учун ҳамкорликда қандай ишларни бажариш мумкин?

Аввало эътироф этиш жоизки, Қозоғистон ва Ўзбекистон чорвачилик, жумладан, замонавий ветеринария амалиёти, озуқа ишлаб чиқариш ва чорва ҳайвонлари наслчилиги соҳасида ўзига хос тажриба ва технологияларга эга. Шуни ҳисобга олган ҳолда қўшма наслчилик дастурлари ижроси яхши самара беради.

Бундан ташқари, чорвачилик бозорлари интеграциялашувига имкон яратиш лозим. Бунинг учун эса икки мамлакатнинг йирик бозорларига кириш йўлларини соддалаштиришни талаб этади. Натижада бозорларда чорвачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини кучайтириш эвазига маҳсулотларнинг сифатини ошириш ҳамда нархни барқарорлаштиришга шароит туғилади. Бундай интеграция Қозоғистон учун чорва маҳсулотлари экспорти салоҳиятини кенгайтириш имконини берса, биз бозорларимизни гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўйинтиришда узоқ мамлакатлардан импорт қилиш бўйича харажатларни камайтиришга эришамиз.

Умуман олганда, чорвачиликни ривожлантириш икки давлат учун ҳам тез амалга оширса бўладиган ва тез натижа берадиган соҳа. Чорвачилик тармоқларининг ўсиши, ўз навбатида, озуқа ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш, чорва бозорларини барпо этиш, чорвани етказиб беришда транспорт алоқалари каби ишлаб чиқариш ва логистика инфратузилмаларини ҳамкорликда ташкил қилиш ва ривожлантиришга йўл очади. Шу аснода икки давлат ўз ресурслари ва тажрибаларини бирлаштириб, озуқа ишлаб чиқариш ва тарқатиш харажатларини камайтириши мумкин, бу эса фермерлар учун қулайлик яратади.

### Хавф-хатарларни бошқариш

Ҳар қандай интеграция ва ҳамкорлик жараёни хавф ва муаммоларсиз бўлмайди. Масалан, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ўртасидаги номутаносиблик, яъни иқтисодий ўсиш ва ривожланиш даражасининг бир хилда эмаслиги ўзаро ҳамкорликни рағбатлантиришда маълум бир қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Дунё тажрибасидан маълумки, ресурслар тенг тақсимланмаганлиги ҳамда инфратузилмалар турлича ривожланганлиги интеграция жараёнини, хусусан, товарлар, хизматлар ҳамда сармоялар ҳаракатининг чекланишига олиб келади.

Ҳамкорликни таъминлашдаги муҳим масалалардан яна бири, бу — ўзаро ишонч ва унинг барқарорлиги. Иқтисодий ва сиёсий интеграцияга эришган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ўртадаги ишонч ҳамкорлик ва интеграция ташаббуслари муваффақиятининг асосий гаровидир.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги хавф ва муаммолар енгиб бўлмайдиган нарса эмас. Самарали мулоқот орқали Марказий Осиёдаги давлатлар ўртасида, хусусан, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида муваффақиятли ҳамкорлик ва интеграцияни йўлга қўйиса бўлади. Қозоғистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам мавжуд бўлган сиёсий барқарорлик ҳамда икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиш динамикаси бунга имкон беради.

Юқорида айтиб ўтилган ички хавф ва муаммолардан ташқари, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги интеграция ва шерикликка ташқи таҳдидларни ҳам ҳисобга олиш даркор. Хусусан, интеграция жараёнига ташқи иштирокчиларнинг аралашуви, геосиёсий кескинликлар, шунингдек, халқаро санкциялар каби глобал иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, қўшни давлатлардаги можаролар, тортишувлар, беқарорлик ёки тартибсизликлар унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, юқорида келтирилган соҳалар Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг мумкин бўлган йўналишларидан бир нечтаси, холос. Агар икки давлатнинг бой маданий ва тарихий меросига назар ташласак, нафақат иқтисодий, балки маърифий, маданий ва бошқа соҳаларга оид кўплаб ҳамкорлик йўналишлари ҳақида гапириш мумкин.

Умуман олганда, икки давлатнинг умумий манфаатларга ва ҳамкорлик учун кучли салоҳиятга эга эканлиги Марказий Осиё минтақаси тараққиётига йўналтирилган ўта муҳим алоқаларни ўрнатиш, мамлакатларнинг сиёсий мавқеини ошириш, иқтисодиётининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланиш ва пировардида, халқларимизнинг турмуш даражасини яхшилаш учун хизмат қилади.

**Шарофиддин НАЗАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ОМБУДСМАН ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ



← 1

Муҳокамалар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маъқулланди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига алоҳида тоифадаги жисмоний шахслар томонидан ижтимоий солиқ тўлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Лойиҳада белгиланаётган айрим нормалар юзасидан асосли таклифлар илгари сурилди.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳаллаларда ишсизликни камайтириш, норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан янада кўпроқ иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

### 45,5 млн. сўмлик алимент тўловлари

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитди.

Ҳисобот йилида Омбудсманга алимент пулларининг ундирилиши масаласида 316 та мурожаат келиб тушган. Мазкур йўналишларда амалга оширилган ишлар натижасида хотин-қизларнинг 9 нафарига ҳимоя ордери берилишида кўмаклашилди. Энг муҳими, Омбудсман сўровига асосан 45,5 млн. сўмлик алимент тўловлари ундирилиши таъминланди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг фаолияти самарадорлигини оширишга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Омбудсман инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда тегишли амалиётни янада такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берди. Атрофлича муҳокамалардан сўнг, Омбудсман фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маъқулланди.

Фракция йиғилишида "Рақобат тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Халқ вакиллари мазкур қонун лойиҳаларининг долзарблиги ва ижтимоий йўналтирилганлигини ҳисобга олиб, уларни маъқуллашди.

### Тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи йўналишида мурожаатлар сони ошмоқда

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилиниши ҳамда унинг амалда олий қадриятга айланиши Омбудсман фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу боис фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш унинг фаолиятида асосий ўрин тутади.

Бу ҳақда парламент қуйи палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида таъкидланди.

Унда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилар экан, Омбудсманга фуқаролардан тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи йўналишида мурожаатлар сони ошиб бораётгани айтилди. Хусусан, 2022 йилда ушбу йўналишда 184 та мурожаат келиб тушиб, уларнинг 76 таси Омбудсманнинг назоратига олинган.

Ҳисобот даврида судда ижтимоий ҳуқуқлар таъминланиши йўналишида 599 та мурожаат кўриб чиқилиб, уларнинг 166 таси Омбудсман назоратига олинди. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш масаласида келиб тушган 1601 та мурожаатнинг 253 таси назоратга олиниб, уларнинг салмоқли қисми ижобий ҳал этилди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар бериб, ҳисоботни маъқуллади.

Йиғилишда, шунингдек, "Рақобат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

### Қийноқларга қарши кураш

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилишида ҳам Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Фракция аъзолари ҳисобот билан танишар экан, партия электорати манфаатлари ҳимоя қилиниши билан боғлиқ кўрсаткичларни алоҳида эътироф этди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли чекка ҳудудларда кўпроқ истиқомат қилишини инобатга олиб, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолиятини янада жонлантириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Депутатлар қийноқларга қарши курашда, фуқароларнинг ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилишда Омбудсман фаолияти таъсирчанлигини ошириш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида саволлар берди. Омбудсман Феруза Эшматова берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти, ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини таҳлил қилиш, тизимли таклифлар ишлаб чиқиш кераклиги ҳам тавсия этилди. Ва муҳокамалардан кейин ҳисобот маъқулланди.

Йиғилишда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

### Экологик ҳуқуқлар ҳимояси

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоларининг айтишича, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2022 йилдаги фаолияти салмоқли бўлган. Юртимизда амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида Омбудсманнинг фаолияти кенгайтирилди, унинг вилоятларда вакиллари фаолияти йўлга қўйилди.

Йиғилишда Омбудсман томонидан фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 2022 йилда амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Омбудсманга бу йўналишда 124 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларда тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ, қурилиш ишларида шаҳарсозлик қоидаларига риоя қилмаслик, дарахтларнинг кесилиши, тоза ичимлик суви билан таъминланиш, маиший чиқиндилар билан боғлиқ муаммолар кўтарилган.

Шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида фуқароларнинг тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятининг экологияга салбий таъсирининг олдини олиш юзасидан чоралар кўрилган.

Депутатлар инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқларининг таъминланганлик ҳолатларига Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давомида алоҳида эътибор қаратилганини эътироф этди ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти маъқулланди.

*Фракциялар йиғилишларида кун тартибига киритилган масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**

## Эшитув

# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИЛАРИГА ГУВОҲНОМА БЕРИШ ТАРТИБИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Ж. Абдиевнинг "Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини махсус рўйхатдан ўтказиш, уларга гувоҳнома бериш, гувоҳномаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш тартиби юзасидан" ахбороти эшитилди.*

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда солиқ тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича солиқ ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилганлиги солиқ сиёсатидаги энг муҳим ўзгариш бўлди. Бу имтиёз натижасида тадбиркорларнинг ихтиёрида 13 триллион сўм миқдорда маблағ қолиб, ундан ўз фаолиятларини янада кенгайтиришда фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, қопланадиган (қайтариладиган) ҚҚС суммасининг асослилиги юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш муддатлари 60 кундан 30 кунга қисқартирилди.

Шунингдек, ҚҚС гувоҳномасининг амал қилиш муддати тўхтатилганлиги муносабати билан ҳисобга қабул қилинмаган, ҳақиқатда олинган товар (хизмат)лар бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасига, гувоҳноманинг амал қилиш муддати тикланган тақдирда, солиқ тўловчида ва унинг харидорларида гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган давр учун тузатишлар киритилиши (ҳисобга қабул қилиниши)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Берилган ахборотга кўра, йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекциясида ҳисобда турадиган солиқ тўловчиларга товарларни импорт қилиш чоғида ҚҚС тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган ҚҚС суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди. ҚҚСни ўзаро ҳисобга олиш солиқ ва божхона органлари томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Бундан ташқари, ҚҚС тўловчиларини солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтказишни солиқ хавфини баҳолаш асосида амалга ошириш тартиби юзасидан ҳам ахборот берилди.

Депутатлар ҚҚС бўйича махсус рўйхатдан ўтказишда солиқ тўловчиларнинг хавф даражаси инсон омили иштирокисиз автоматик дастурлар орқали аниқланганда аризалар кўриб чиқилиши, махсус рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома автоматик тарзда берилишига оид ўз фикрларини билдиришди.

Шу билан бирга, ҚҚСни тўғри ҳисобга олиш ва манфий суммани қайтариш тизимини такомиллаштириш йўналишидаги ҳаракатлар, хусусан, солиқ тушумларини ошириш учун ҳисобга олинаётган суммаларнинг ҳаққонийлигини текшириш мақсадида ҚҚС занжири (иштирокчиларнинг ҳар бирида ҚҚС тўлиқ (ёки умуман) тўланмагани) узилишларини автоматик аниқлаш борасида тадбиркорлик субъектлари томонидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасига келиб тушган мурожаатлар муҳокама қилинди.

Якунда халқ вакиллари мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи маъмурчилиги ислоҳотларини жорий этишни ҳар томонлама ривожлантириш, уни замон талаблари асосида йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу ислоҳотлар бозорда қонуний ишлаётган тадбиркорларни ҳимоялаш ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган жавобгарлик хавфларининг олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берди.

Билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари жамоаси "Халқ сўзи" газетаси ходими Лобар Қўчқоровага онаси

**Иқболой АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# ЖАҲОНГА АЙТИЛГАН СЎЗ

(Эссе)



**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

**1.**

Президентимизнинг “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги 2023 йил 25 январда эълон қилинган қарори халқимиз тарихидаги, маданий ҳаётидаги улкан ҳодисалардан бири бўлди, десак, янглишмаймиз. Бу барчамизни беҳад хурсанд қилди, кўнгилларни миннатдорлик ва шукроналик туйғуларига тўлдирди. Мазмуни теран, кенг қамровли ушбу қарорни ўқиган одам, айниқса, ёшлар беихтиёр ғурурланиб кетади. Унда белгиланган тадбирлар, амалга оширилажак қутлуғ ишлар буюк тарихимизни янада ёрқинлаштиради, қалбларга ифтихор бағишлайди, халқимизни улуғлашга хизмат қилади.

Мирзо Бобурнинг илмий-ижодий мероси улкан, давлатчилик ва саркардалик фаолияти алоҳида мақомга эга. Қарорда кўрсатилганидек, бу борада халқаро миқёсда изланишлар уюштириш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш ҳамда кенг жамоатчиликка таништириш зарур қадамлардандир.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари, ўзбек миллий маданий марказлари, ватандошлар жамиятларига ҳам катта вазифалар юклатилган. Жаҳоншумул сиймо, буюк шоир ва адиб ижодини тарғиб этиш, кенг ёйиш мақсадида маърифий тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказиш, уларга ватандошларни, ўзбек халқи тарихи ва адабиёти, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди билан қизиқадиган хорижлик олимлар, шоирлар, адабиёт ихлосмандларини жалб қилиш лозим.

Мирзо Бобур асарлари луғати, девонининг мукаммал нашрини амалга ошириш ҳам муҳим вазифалардандир. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасалари талабалари учун тарих ва география йўналишларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги давлат стипендияси таъсис этилиши айни муддао бўлди. Бу ёшларимизга ҳам ғурур, ҳам катта рағбатдир. “Бобур асарларининг билимдонлари” танловини уюштириш, “Бобурни англаш” мавзуида иншолар танловини ўтказиш, айниқса, навқирон авлодни ватанпарвар, халқсевар, мард ва жасур қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда 2023 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш, шоир ғазаллари билан қилинадиган энг яхши қўшиқлар танловлари ҳамда “Назм ва наво” мақом кечаларини ташкил этиш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси халқимизнинг руҳини кўтаради, қаддини тик тутишга чорлайди, мустақиллигимизни мустаҳкамлайди, Президентимиз атрофида янада жипслашиб, дадил қадамлар билан олға юришимизга қанот бўлади.

Қарорни ўқир эканман, кўнглим қувончларга тўлади. Бобур Мирзо қисматини ўйлаганда, шундай кунлар ҳам бор эканку, дейман ўзимга ўзим ва бунга беҳад шукрлар қиламан.

Толмас табиатшунос олим, тарихимиз жонкуяри Зокиржон Машрабов бошқараётган Бобур номидаги халқаро жамоат фонди улуғ бобомиз илмий-ижодий меросини ўрганиш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда, анжуманлар ўтказмоқда, халқаро экспедициялар уюштирмоқда. Экспедициялардан бирида, хусусан, соҳибқирон Амир Темур юрган йўллар бўйлаб ўтказилган сафарда қатнашиш каминага ҳам насиб этган эди.

Эсимда, йигирма йиллар аввал Америкага сафарим пайтида, Вашингтон университети профессорлари билан тушлик қилгани бир ҳинд ресторанига кирдик. Мени ресторан мутасаддисига таништириб: “Бу киши Ўзбекистондан”, дейишди. У “Пакистан?..” деб сўради. “Йўқ-йўқ, Ўзбекистан...” деб жавоб қилишди унга. Мутасадди барибир тушунмади. “Ду ю нау Бабуршах?” (Бобуршоҳни биласизми?) — сўрадим ундан ўзим гапга аралашиб. “О, йес, йес!...” (“Ҳа... ҳа! Биламан!”) — мутасаддининг чеҳраси ёришиб кетди... “Мен Бобур туғилган ердан йигирма километр берироқда туғилганман...”, дедим. Шундагина, у менинг қаерданлигимни англаб етди ва эҳтиром билан кўришди. Бобур Мирзо шундай, бизларни оламга танитган буюк сиймодир.

1983 йилда Бобур Мирзо таваллудига 500 йил тўлди. Аммо... Бир бошдан гапирсам, мен Ғафур Ғулом номидаги нашриётнинг бош муҳаррири эдим. Қутлуғ санага тайёргарлик кўрдик ҳамда шоҳ ва шоир ғазалларини рус тилида минг нусхада гугуртдан каттароқ шаклда чиройли совғабоп қилиб (бундай миниатюра китоб қўлда тайёрланади) нашр этишни ният қилдик. Рассомлар қаттиқ ишлашди. Китобнинг биринчи нусхаси босилиб чиқди... Унга ўша пайтдаги тартиб бўйича “Ўзлит” деган идора бошлиғи имзо чекиб, рухсат бериши керак эди. “Ўзлит” бошлиғи... рухсат бермади. Сабаб? Китобнинг биринчи саҳифасида бир бетгина шоир ҳақида кириш сўзи бўлиб, унда: “Бабур — государственный деятель и поэт” сўзлари ёзилган экан. Шу сўзларни ўзгартиришимизни талаб қилиб туриб олишди. Биз, китоб босилиб бўлган, бу ерда тарихга хилоф маълумот йўқ, ахир Бобур Мирзо давлат тузган арбоб, деганимизга ҳам қулоқ солишмади. Ўша варақ китобдан йиртиб олинди, юқоридаги сўзлар “поэт и воин”га алмаштирилди ва янги варақ ёпиштириб чиқилди...

Худди шу йили сана муносабати билан Мирзо Бобур таваллудига бағишланган спектаклга таклифнома келди. Қувончли ҳодиса! Эрталаб театрга келсам, ҳамма маъюс, ижодкорлар спектакль анжомларини олиб чиқиб кетишмоқда. Суриштирсам, спектакль қолдирилган экан...

Мирзо Бобур таваллудининг 500 йиллигига бағишланган мажлис Фанлар академиясининг кичик бир хонасида ўтказилганди ўшанда...

**2.**

Фавқулодда буюк истеъдод учқунлари намоён бўлган болалар ҳақида “вундеркинд” (немисчадан — “ғаройиб бола”) деган атама кенг тарқалган. Масалан, Алишер Навоий тўрт ёшида Қосим Анворийнинг мураккаб форсий шеърини ёд олиб, даврада ўқиб берган ва ҳаммани ҳайратда қолдирган, ўзи шеърлар ёза бошлаган. Композитор Моцарт эса беш ёшида мусиқа ёзишни ўрганган, ижод этган...

1493 дан то 1529 йилгача (орада ўн бир йиллик воқеалар — сукут) йигирма беш йиллик воқеаларни ўзида жамлаган залварли “Бобурнома” асарини ёзишга киришганда Бобур Мирзо ўн бир ёшда эди. Асарда воқеалар айнан шу ёшдан бошланган. Бу бўлажак умр китоби эди. Асар равиши ҳақида “Бобурнома”да шундай дейилади: *“Чун бу тарихда андоқ илтизом (мажбурият) қилилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеъини таҳрир этилгай...”* Бобур Мирзо ўз сўзларига қатъий амал қилади.

Асарда Бобур Мирзони ҳам бош қаҳрамон сифатида, ҳам адиб-муаллиф сифатида кўрамиз.

Чарақлаб турган қуёшга тикилганда ловуллаган покиза ёғдулар тўлқинидан ҳайратга тушган киши нима дейишини билмай қолади. Бобур Мирзо ижоди ҳам шундай. “Бобурнома”нинг қулочи кенг, уфқи бесарҳад, мазмуни теран, маънолар олами дунёга сиғмайди. У ҳақда дабдурустдан бирон фикрни билдирмоқ мушкул, чунки асар ҳар қандай фикрдан улуғ, китоб бошдан оёқ ҳикматларга, чуқур мулоҳазаларга, тасвирларга тўла, уларнинг қай бирига тўхталишни билмай қийналади киши. Барчаси улар ҳақида фикр билдиришга арзигуликдир.

Дунё адабиётида ўхшаш китоблар бор. Чунончи, Рим императори Гай Юлий Цезарнинг “Галлия жанглари ёзмалари”, “Фуқаролар уруши” китоблари, йўқ, у китоблар ўз номи билан жанг, уруш ҳақида. Плано Карпини, Марко Поло, Ибн Баттута, Клавихо китоблари саёҳат ҳақида бўлиб, жуда қимматбаҳо маълумотларга эга.

Лекин “Бобурнома” мутлақо ўзгача, монанди йўқ нодир асардир. Унинг жанри ҳақида ўйлаб қоламан. Асарнинг жанрини қандай белгилаш керак? Сафарнома, жангнома, хотиранома, саёҳатнома... Балки биографик роман дейиш ўринлидир ёки сиёсий роман, ҳужжатли роман, маърифий роман, тарихий роман... Асар ўзбек насрининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Машҳур шарқшунос В. Бартольд ўзининг “Мусулмонлик маданияти тарихи” асарида “Бобурнома”га юксак баҳо бериб, асар фақат сиёсий курашлар ҳужжатигина бўлиб қолмай XV асрдаёқ ҳаққоний равишда туркий насрнинг мумтоз реалистик намунаси сифатида танилган ёдгорликдир, дегани бежиз эмас.

Айтмоқ жоизки, “Бобурнома”да юқорида саналган барча жанрларнинг унсурлари мужассам. Унда юрт, мамлакат, эл-халқ, тил, инсонлар, табиат, тоғлар, дарёлар, денгизлар, фасллар, этник қатламлар, қавмлар, наботот олами, гуллар, қуш ва ҳайвонлар, баҳайбат филлар, тўбичоқ отлар ва ҳоказолар ҳақида сўз боради. Сўз борганда ҳам, шунчаки санаб, эслаб кетилмайди, балки қилни қирқ ёриб, деганларидай, “деталнинг ичига кирилади”, синчковлик билан уларнинг батафсил таърифи келтирилади. Бари кўз олдингизда намоён бўлади. Чунончи, товус рангларининг қандай алмашиниши, гуллар ғунчалари ва япроқлари нозиклиги, қандай бўй таратиши, Ҳиндистонда фасллар тўртта эмас, учта бўлиши, кунларнинг номлари — бари-барининг тасвири, ифодаси жозибали... Дарахтлар ҳақида ёзар экан, маҳва дарахтини шундай таърифлайди: *“Яна бир маҳвадур, гул чикон ҳам дерлар. ...Ҳиндустон элининг иморатлари аксар маҳва йиғочидиндур. Маҳванинг гулидин арақ тортарлар ва гулини мавздек қурутуб ерлар... Филжумла кишмишга шабоҳати бор. Бадмазалиғи бор. Гулининг ўли ҳам ёмон эмас, еса бўлур... Донаси улуқроқ, териси юпқа, мунинг донасининг мағзидин ёғ ҳам тортарлар...”* Мана, “детал ичига кириш”нинг ёрқин намунаси!

“Бобурнома”, жайдари тил билан айтганда, наботот ва ҳайвонот оламини бир илмий марказ ўрганган даражасида тасвир этилган қомусий асардир. Мен қадимги ҳинд эпоси “Рамаяна”ни таржима қилганимда, “нон дарахти” сўзларига дуч келдим. Русчада “хлебное дерево” дейилган. Бу сўзнинг асл ҳиндча номи бўлиши керак, деб ўйладим ва “Бобурнома”га мурожаат қилдим. Бор экан! Бобур Мирзо ишлатган экан! Унинг номи “кадҳал” экан. “Бобурнома”да ўқиймиз: *“Кадҳал... мазаси дил очур чучукдур, ичида фундукдек-фундукдек доналари бор. Хурмоға филжумла шабоҳати (ўхшашлиги) бор. ...Бу доналарнинг хурмодин юмшоқроқ гўшти бор, ани ейдурлар...”*

Таржимада мен “кадҳал” сўзини ишлатдим.

Бобур Мирзо асарда асосий диққатни инсонларга, унинг ҳаётига ва шахсиятига қаратади, уларнинг ҳаётидан ҳикоя қилади, ёрқин образларини чизиб беради, қизиқарли воқеаларни тасвирлайди. Ўрни келганда айтиш жоизки, тарихий мавзуда, нафақат тарихий мавзуда ёзадиганлар, умуман, барча ўзбек ижодкорлари учун ҳам “Бобурнома” улуғ мактаб. Китоб ёзиш санъати, рақибларни ҳақорат қилмай тасвирлаш, ҳар мавзуга юксак одоб доирасида ёндашишни устоздан ўрганмоқ керак. Унинг сўзларида кўп маъно бор. Образ яратишда, характерни очиб беришда жуда моҳир, кам сўз билан кўп нарсани англата оладиган улуғ устоз мақомидадир. Асардан олинган ушбу сўз-ибораларга эътибор беринг:

Бир саркарда ҳақида: *“Ёй отади... Етти отнинг биридан иккинчисига сакраб ўта оладир”; ёки: “...одми ва камсуқум киши эди... базмларда хиргойи қилиб берарди”; ёки: “пойчўкир одам, бек... Навкарни бир хил таъминот ва тарзда сақлар эди. Сўконғич ва тили аччиқ эди”; ёки: “ёйи қаттиқ, ўқи узун”; ёки: “...фосиқ ва беҳаё эди. Бузуқчилиги касофатидан обила (баданда сув йиғилиши) хасталиги туфайли бир неча йил азоб чекди, қўл-оёғдан қолди...”*

Тонгнинг чиройи таърифи: *“Тонг бошида эл чучук уйқуда эрдиким...”*

*“...забунгина оти бор...”* — бу, яна бир саркарда ҳақида. Битта “забунгина” сўзи, отни эмас, балки уни миниб турган саркарда ҳақида тўлиқ тасаввур бериб турибди. Ҳа, “Бобурнома”нинг луғати ниҳоятда бой, мисоли бир хазинадир.

Ўқувчи тан берадиган жиҳатларидан бири — улуғ адиб Бобур Мирзонинг ижодда, тасвирда ҳалоллигидир. Унда “У одам дўст эди ёки буниси душман эди”, деган қараш йўқ, юзхотирга бориб ўтирмайди, ростини ёзади, ўзи учратган тарихий шахслар ҳақида одилона фикр билдиради. Умуман, у ҳақиқатга тик боқади, ҳаётда учрайдиган хурсандчиликларни ҳам инсоф билан ёритади, қирғинбарот жангларни, гоҳи юз берадиган қатли омларни ҳам таърифлашдан қочмайди. Шундай ҳолларда ноқулайлик сезиб: *“Ўқувчи маъзур тутсун, эшитгувчи таарруз мақомидин ўтсун...”,* яъни “қаршилик қилмасин, қабул қилсин”, деган маънода узр сўраб қўяди.

Узоққа бормай, бир мисол келтириб ўтамиз. 1494 йил воқеалари таърифида Умаршайх Мирзо умароси (амирлари) қаторида Али Дўст тағойи, деган саркарда номи тилга олинади:

*“...Али Дўст тағойи эди, сағрийчи туман бекларидин эди. Менинг онамнинг онаси Эсан Давлатбегимга уруғ бўлур эди, Умаршайх мирзо замонидин мен кўпроқ риоят қилиб эрдим. Илигидин иш келур, дедилар. Бу неча йилким, менинг қошимда эди, ҳеч андоқ иши зоҳир бўлмадиким, деса бўлғай. Султон Абусаъид мирзоға хизмат қилғон даврида ядачилиқ даъвосини қилур эди. Қушчи эди. Ярамас ахлоқ ва атворлиқ киши эрди. Бахил ва фитна ва зумухт (қўпол, дағал) ва мунофиқ ва худписанд ва қаттиқ сўзлук ва совуқ юзлук киши эди”.*

**Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг азиз бошидан кўп савдолар ўтди... Лекин у чинакам йўлбарслигини намоён этиб, асрлар оша шундай ёруғ кунларга етиб келди. Ул зотга шон-шарафлар бўлсин, деймиз.**
**Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни,**
**Сўзумни ўқуб, англағайсен ўзумни...**
**— деб башорат қилган эди Заҳириддин Муҳаммад Бобур.**
**Сўз ўлмайди!**
**“Бобурнома” улуғ адибнинг, ҳар бир ўзбекнинг жаҳонга айтилган сўзидир. У мангу жаранглаб тураверади.**

Бирор тарихий шахс таърифи келтирилар экан, унинг туғилиши ва насаби, шакл ва шамойили, ахлоқ ва атвори, жанг ва урушлари, вилояти, фарзандлари, аҳли аёли — хотин ва канизаклари, амирлари ҳақида ҳам аниқ маълумотларни ўқиймиз.

Айниқса, қаҳрамонларнинг шакл-шамойилларини ёритганда, муаллифнинг буюк адиблик салоҳияти ва ўткир нигоҳи яққол намоён бўлади.

Мана, Султон Абусаъид Мирзо ўғли Султон Аҳмад Мирзо қандай таърифланади: *“...баланд бўйлуқ, қунқор соқоллиқ, қизил юзлук, танбал киши эди. Соқоли энгакида эди. Икки янгоқида соқоли йўқ эди. Бисёр хушмуҳовара (гапга уста) киши эрди. Дасторни ул замон дастури била чаҳорпеч чирмаб, алоқасини илгаррак қошининг устига қўяр эди. ... Ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким, шаҳрда улғайиб эди, турк ва содда эди...”*

Шуниси эътиборлики, муаллиф ҳали бу таъриф етарли эмаслигини сезади, кўнгли тўлмайди ва образни тўлароқ тасаввур этиш учун Султон Аҳмад Мирзонинг ҳанафий мазҳаблик экани, покиза эътиқод кишилиги, беш вақт намозни бетарк ўткариши ва шароб ичган пайтларда ҳам намозни тарк этмаслигини таъкидлайди, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга иродати борлигини эслатади. Кейин бошқа сифатларини санайди, кимнинг боласи эканини, кимга қандай яқинлигини, чунончи, онаси Ўрда Буға тархоннинг қизи, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг эгачиси эди, дейди, Мирзо (Султон Абусаъид Мирзо)нинг эътиборлик хотини эканини ҳам қўшиб қўяди.

Султон Маҳмуд Мирзо таърифи: *“... паст бўйлуқ, суюқ соқоллик, танбал, синчисизроқ киши эди... Улуғ хотуни Мир Бузург Тирмизийнинг қизи Хонзодабегим эди. Мирзо бисёр севар эди...”*

Ёки умаролардан бири Ислим барлос ҳақида: *“...Турк киши эди. Қушчиликни яхши билур эди... Ўттуз-қирқ ботмон ёй куч била ўқни отиб, тахтадин ўткарур эди. Қабақ майдонида майдон бошидин чопиб, ёйни тушуруб кўруб отиб қабақни урар эди. Яна зиҳгирни бир қари-бир ярим қари риштаға боғлаб, риштанинг яна бир учини бир йиғочқа боғлаб, эврулур эди. Эврулур ҳолатда ўқни отиб, зиҳгирдин ўткарур эди...”*

*“Қизил бисёр хушранг ва хушшакл тўтидур...* — тўтиқуш таърифи келтирилади яна “Бобурнома”да. — *Сухангўй қилурлар, сўз ўргатурлар... Айби будурким, чини мис табаққа тортқондек кўп нохуш ва тез уни бор...”.*

Ҳайвонларнинг ҳатто териси ва ранги, туки бор-йўқлиги, оқ-қоралиги, қаерларда бўлиши ҳам улуғ адибнинг назаридан четда қолмайди.

**3.**

Султон Ҳусайн Мирзо ўғиллари орасидаги ноиноқлик авж олгани, баҳамжиҳатлик йўқлиги Бобур Мирзони жуда афсуслантирарди: *“Бу мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшға машғул эдиларким, отасидек кордида ва кордон подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мўътабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидин ийманмай, Тенгридин кўркмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди — нашот (қувонч) била, мажлисоролиқ эди — инбисот (шод-хуррамлик) била. Муқаррардурким, мундоқ бўлғон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай”.*

Бобур Мирзо ўзи ҳам нафақат инсон, балки салтанат учун ҳам офат бўлган ичкиликдан воз кечиш ҳақида қайғура бошлайди. Демак, бу ҳақда доим ўйлаб юргани маълум бўлади. 1519-1520 йиллар воқеалари саҳифаларида шундай сўзларни ўқиймиз:

*“...Чун бу дағдаға (яъни майга иштиёқ) бор эдиким, қирқ ёшқа тоиб (тавба қилгувчи) бўлғаймен, қирқ ёшқа озроқ қолиб эди, ифрот (ҳаддан ошиб) била ичилур эди...”*

Бобур Мирзо ичкиликдан бош тортиб, тавбага юз буради:

*“...Хуш қилиб ўзни бу кечмакликтин,*
*Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.*
*Олтуну нуқра сурoҳийю аёқ,*
*Мажлис олоти тамомин ул чоқ,*
*Ҳозир айлаб борини синдурдум,*
*Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум...”*

Муаллиф ушбу воқеани эсларкан, барча синдирилган олтун-кумуш май ва бошқа идишлар муносибу мустаҳиқларга ва дарвешларга улашилганини таъкидлайди. Ўша кечаси ва эрта тонгда беклар, ичкилар, сипоҳийлар ва сипоҳий бўлмаганлардан уч юзга яқин киши ҳам келиб тавба қилганини билдирди. Ҳамма чоғирни тўкиб ташлагани, Бобо Дўст келтирган чоғирларга эса туз солиб, сирка қилиш буюрилгани айтилади.

Бобур Мирзо Хуросон подшоси Султон Ҳусайн Мирзо билан буюк даҳо Алишер Навоий сиймоларини ёрқин тасвирлаб берган эди.

1506-1507 йиллар воқеаларида келтирилишича, Бобур Мирзо сайрга чиқади. *“...Чоштуба дашти ва Гулбаҳор доманаси бисёр хўб бўлур,* — деб ёзади у. — *Сабзаси Кобул вилоятининг ўзга ерларига боқа, хейли яхши бўлур, турлук-турлук лолалар очилур, бир қатла лола анвоини буюрдумким санадилар, ўттуз тўрт навъ лола чиқти, нечукким, бу ерларнинг таърифида бир байте айтилиб эди:*

*Сабзаву гуллар била*
*жаннат бўлур Кобул баҳор,*
*Хосса бу мавсумда*
*Борон ёзисию Гулбаҳор.*
*Ушбу сайр келганда*
*бу ғазални тугаттим:*
*Менинг кўнглумки гулнинг*
*ғунчасидек таҳ-батаҳ қондур,*
*Агар юз минг баҳор ўлса*
*очилмоғи не имкондур...”*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур темурий ота-боболари ер-мулкини (яъни Ватанини) ҳозирча қайта қўлга киритишнинг иложи йўқлигига амин бўлгач Кобулга қайтиб келади. Не тонг, тақдир тақозоси шундай эди! Ҳаётининг сўнгги дамларигача Ватанга қайтиш умиди учқунлари Бобур Мирзо қалбида бир лаҳза ҳам ўчмаганини тасаввур қиламиз.

1504 йилда Кобул вилояти мусаххар бўлгандан буён Ҳиндистонга юриш ҳаваси кўнгилга тинчлик бермасди. Бобур Мирзо катта давлат арбоби ва моҳир стратег сифатида буни чуқур ҳис этарди. Лекин гоҳи бекларнинг суст раъйлигидан, гоҳи оға-инининг нохайрихоҳлигидан Ҳиндистон юриши муяссар бўлмай келарди.

Милодий 1525 йилда Ҳиндистон тупроғига қадам қўйилди... 1526 йилда Ганг дарёсидан Амударёгача бўлган ерларни бирлаштирган улкан салтанатни вужудга келтирган Бобур Мирзо, албатта, бу ўлка ҳақида кўп эшитган, ўқиган эди. Уни аждодлар мулки деб ҳисобларди.

Шоҳона дидли, нозик кўнгилли, гўзалликлар ошиғи бўлган дилбар шахс, буюк темурийлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дастлабки таассуроти лекин хийла ёқимсиз эди. “Бобурнома”да ўқиймиз: *“Ҳиндустон кам латофат ер воқиъ бўлубтур. Элида ҳусн йўқ... карам ва мурувват йўқ ва ҳунарларида ва ишларида сиёқ ва андом... йўқ ва яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ ва ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шамъ йўқ ва машъал йўқ, шамъдон йўқ...”*

Бобур Мирзонинг она юрти қандай эди? Ҳай-ҳай!.. Сувлар шарқираб оқиб ётади, нозу ишвалар билан тонглар отади... чаманлар яшнаган, боғларда узумлар сарғайиб, кўзни қувнатади, қовунлар пайкалларда пишиб ётади. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ, расм эмас...

Бобур Мирзо Ҳиндистоннинг оқар сувлари йўқлигини яхши биларди. Лекин ҳар ерда чархлар ясаб, оқар сувлар қилиб, тархлик ва сиёқ ерларни чаманга айлантирса бўлишига имон келтирди. Ота-боболари қаерга борса, ўша ерни обод қилиш урфодатга айланган халқнинг боласи эди Бобур Мирзо! Аграга келгандан сўнг Жуун сувидан ўтиб, Андижон боғларини эсга олиб, боғ учун ер изладилар. Аввало, катта қудуқ қазилди, ҳаммомга ҳам шундан сув олинди. Саккиз қиррали ҳовуз бўйига дарахтлар экилди. “Хилватхона” боғчаси барпо этилди, уйлар қурилди... Ҳар хонада гуллар, настаринлар бўй таратарди...

Кейин бунёдкорлик ишлари авж олди. Агра ва Деҳли шаҳарлари атрофлари кўркамлашиб, ёқимли манзаралар пайдо қилди. Жамна дарёси соҳилларида саройлар, қасрлар, ҳаммомлар қуриш, боғлар барпо этиш ишлари ривожланди, бозорлар гавжумлашди, гузарлар ободонлаштирилди.

Бундай қурилишлар авлодлар томонидан ҳам давом эттирилди. Бунинг ёрқин мисоли ўзи ҳам, исми ҳам ҳар бир ўзбекнинг юрагидан мангулик жой олган, орзиқтирадиган, дунёни ҳайратга солган тош достон — Тожмаҳалдир.

1526-1527 йиллар воқеаларида қабиҳ душманлар Бобур Мирзо таомига заҳар солишади, ҳамма ташвишга тушиб, бесаранжомликлардан юртда ҳаловат йўқолади... Бобур Мирзо Аллоҳ шифо бериб соғайганидан сўнг, теран мулоҳазалар юритиб, инсон учун жоннинг, демак, ҳаётнинг мунчалар азиз эканини кашф этиб, умрнинг бебаҳолигини англайди, Тангри таолонинг иноят кўргизиб, унга “янги бошдин жон бағишлагани”дан беадад миннатдор бўлади ва “шукрини не тил била қилғаймен”, дейди ва ёзади: *“Хотирларға тараддуд кечмағай деб, ҳар не воқиъ бўлғонни шарҳи ва басти била битидим...”*

Бу эътирофни “Бобурнома”нинг биринчи саҳифасигаёқ ёзиб қўйилса арзийди. Асар, ростдан ҳам, ана шундай йўсинда ҳалоллик билан битилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шундай ёзганди: *“Аҳмад Юсуфбек (яқинларидан) изтироблар қилиб, ҳар замон айтадурким, яланғоч мундоқ кириб борасиз, икки-уч ўқни кўрдумким, бошингиздин ўтти... Мен дедимким, сиз мардона бўлунг, менинг бошимдин мундоқлар хейли ўтубтур...”*

Ҳа, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг азиз бошидан кўп савдолар ўтди... Лекин у чинакам йўлбарслигини намоён этиб, асрлар оша шундай ёруғ кунларга етиб келди. Ул зотга шон-шарафлар бўлсин, деймиз.

*Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни,*
*Сўзумни ўқуб, англағайсен ўзумни...*

— деб башорат қилган эди Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Сўз ўлмайди!

“Бобурнома” улуғ адибнинг, ҳар бир ўзбекнинг жаҳонга айтилган сўзидир. У мангу жаранглаб тураверади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 241. 20 647 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.39 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6